ЎЛКАМИЗНИНГ ОЛТИНЧИ ГРОССМЕЙСТЕРИ

Юртимизда гроссмейстерлар сафи кенгайиб бормоқда. Мухлисларга яхши таниш Сайдали Йўлдошев бултур Ереван шаҳрида ўтказилган жаҳон олимпиадасида гроссмейстерлик талабини бажарган эди. Яқинда халқаро шахмат федерациясидан ана шу ютуқни тасдиқловчи ҳужжат келди. Гроссмейстер деган унвон ҳужжати ва нишонини ўзининг 70 баҳорини нишонлаган шахматчилар устози Мамажон Муҳитдинов шогирди Сайдали Йўлдошевга тантанали суратда топширди. Сайдали ўлкамизда олтинчи гроссмейстер бўлди.

Мирзо АНВАР.

ЙИЛОРИЧУН 13 май

"НУРОТА – РУНО" КИЧИК КОРХОНАСИ

Навоий вилоятининг Нурота туманида йилига 130 тонна қўй жунини калавалаб берадиган "Нурота — Руно" корхонаси иш бошлади. Бу қўшма корхонада 15 киши меҳнат қиляпти. У эрта-индин кенгайиб, жун калавадан пайпоқ, рўмол, гилам тўқишга ўтади. Бу нуроталик ёшлар учун қўшимча иш ўринлари демакдир.

Музаффар ШАРОПОВ.

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

ГЕРМАНИЯ СУВ ҚУРИЛМАСИ

Бекобод туманидаги "Ғалаба" жамоа хўжалигининг 5 мингдан ортиқ аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланадиган бўлди. Бу ерда Германиядан келтирилган сув тозалаш қурилмаси ўрнатилмоқда. Мазкур қурилма сув таркибини тозалаб, 5 километр масофага ётқизилган қувурлардан хонадонларга узатади.

Соҳибжон САЛИМОВ.

ЯНГИЛИК, ФАКТЛАР

ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Яқинда Қўшработ туман марказий шифохонасида Германиянинг "Хорман" фирмасида ишлаб чиқарилган "Кинескоп —20" тиббий аппарати ишга туширилди. Мазкур аппарат ёрдамида жигар, ўт, талоқ, буйрак, ошқозон касалликлари ҳамда ҳомиланинг ривожи аниқланади. Эътиборли томони шундаки, бу тиббий мосламага махсус кўрсаткичлар ўрнатилса, юрак хасталикларини ҳам аниқлаш мумкин.

Ўсар АБДУРАҲИМОВ.

ЙИЛОРИЧУН 13 май

ЎЗБЕК ОЛИМИГА АҚШ СОВРИНИ

Ўзбекистон Фанлар академияси ядро физикаси институти директори, Республика ФА мухбир аъзоси, Беруний мукофоти лауреати Бехзод Йўлдошевга АҚШнинг Индиана университети Фахрий дипломи топширилди. Ўзбек олими "Элементар зарраларнинг атом ядролари билан ўзаро таъсири" мавзуидаги илмий асари учун шундай мукофотга сазовор бўлди. Бу илмий асар Индиана университетида қимматли адабиёт сифатида ўрганилади.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 13 май, сешанба № 55 (22.139).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ТЕГИРМОННИНГ ФОЙДАСИ

Яқинда Пахтачи туманидаги «Хумор» қўрғонида Туркиянинг «Экмасан» фирмаси билан ҳамкорликда қурилган тегирмон аҳолига фойда бера бошлади. Бир кунда 13 тонна донни ун қилиб тортиш қувватига эга бўлган ушбу иншоотни қуришда ишбилармон ва тадбиркорлардан Садриддин Нажимов, Гулсара Норқуловалар бош-кош бўлишди. Тегирмон қошида кичик нон пишириш ва қандолат цехларини қуриш ишлари ҳам жадал бормоқда.

(Ўз мухбиримиз).

ҲАР ИШДА ИЗЛАНИШ ВА ТАШАББУСКОРЛИК ЗАРУР

Республика Президенти Ислом Каримов 10 май куни Сурхондарё вилоятига ташриф буюриб, бу ерда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, жумладан, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Чегарачи аскарлар ва божхона ходимлари ҳузурида бўлиб, уларнинг жанговар тайёргарлиги, яшаш шароити билан қизиқди.

Сурхондарёлик пахтакорлар ўрта ва ингичка толали ҳосил етиштиришда кўп йиллик тажрибага эга. Бу йил вилоятда 18 минг гектар майдонда чигит Андижонча усулда плёнка остига экилди.

Мамлакатимиз раҳбари Термиз туманидаги «Намуна» жамоа хўжалигининг Ф. Шоймуродов бошлиқ бригада далаларини бориб кўрди. Бу ерда чигит плёнка остига экилган ерларда ниҳоллар бир текис униб чиққан. Чигит одатдаги усулда экилган майдонлардагига қараганда ғўза баравж ўсмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, пахта 25-30 кун илгари пишиб етилади.

Плёнка остига чигит экиш вилоят пахтакорлари учун янгилик, ҳали синаб кўрилмаган агротехника тадбири бўлгани сабабли экиш пайтида айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Хусусан, ер обтобида шудгорланмаганлиги, чигит экиш вақтида плёнка тўлиқ ёйилмагани ва баъзи жойларда уя катта очилиши натижасида бегона ўт ўсишига шароит

СУРАТДА: чегара масканларидан бирида бўлиш пайти. Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.

туғилган.

Биз бундан кейин барча агротехника тадбирларини тўғри ўтказиб, мўл ҳосил олишни мўлжаллаяпмиз, биринчи йил биз учун ўрганиш, тажрибани амалиётда қўллаш йили бўлди, дейишди деҳқонлар.

Мамлакатимиз раҳбари шундай деди: биринчи йил камчиликлар бўлиши табиий. **Асосийси, бу усулнинг Сурхондарё иқлими, об-ҳавосига қандай тўғри келишкелмаслигини батафсил ва чуқур таҳлил этиш керак. Шундан келиб чиқиб, сеялкаларни мослаштириш, техникадан тўғри фойдаланиш, иш унумдорлигини оширадиган керакли ўзгартиришларни киритиш зарур.** Бу масала пухта ўйланмас, тўғри сабоқ, хулоса қилинмас экан, яхши натижага эришиб бўлмайди.

Одатда жануб шароитида майдонлар суғорилиб, етарли нам тўплангач, чигит экилади. Бу йил ҳам шундай қилинди. Лекин тажриба сифатли шудгорланган майдонларни суғормасдан март ойининг биринчи ўн кунлигида плёнка остига чигит экиш мумкинлигини кўрсатди.

Президент мутахассислар ва хўжалик раҳбарлари билан янги усулнинг иқтисодий жиҳатлари — пахта сифати, уни сотиш, барвақт йиғиштириб олинган ҳосил ўрнига кузги ғалла экишнинг афзалликлари тўғрисида суҳбатлашди, қимматли маслаҳатлар берди.

Тумандаги «Янгиариқ» жамоа хўжалигининг ижарачи ғаллакори М. Абдураҳмонова даласида етиштирилаётган «Скифянка» навли буғдой ривожидан мамлакатимиз раҳбари мамнун бўлди. Сара, ҳосилдор, маҳаллий иқлим шароитига мос буғдой навларини етиштириш, уни уруғчилик хўжаликларида синаб кўриш мумкинлигини уқтирди.

Буғдой бошоқлари тўлишиб, пишай деб турган ғаллазорда бўлган суҳбат чоғида Ислом Каримов инсон учун энг муҳими тинчлик, осойишталик эканини, бу юртда фидойи одамлар, ер илмини пухта биладиган деҳқонлар борлигини қайд этди.

Энг муҳими, бизга оллоҳ инъом этган унумдор замин, саховатли қуёш, қолаверса, меҳнаткаш халқимиз бор, деди давлатимиз раҳбари. Кўзлаган мақсадларимизга эришиш учун эса изланиш, тадбиркорлик, ҳамжиҳатлик керак. Қаердаки тинчлик, осойишталик, ҳамжиҳатлик, халққа ғамхўрлик бўлмаса, бирон натижага эришиш амри маҳол. Бунга ён атрофимизда мисоллар кўп. Шунингдек, мустақил давлатимизда ёш авлодни тарбиялаш, уларга замонавий таълим бериш, таълимни ислоҳ қилиш давр ўртага қўйган муҳим талабдир. Ватанимизнинг келажаги бўлган бугунги ёшлар миллий, умуминсоний қадриятлар, шарқона одоб-ахлоқ руҳида тарбияланмоғи зарур. Бу борада тўққиз йиллик мажбурий, кейинчалик яна уч йиллик мажбурий-ихтиёрий таълимни жорий этиш, шу йўсинда ёшларни касб-ҳунарга ўргатиб, мустақил ҳаётга тайёрлаш лозим.

Ислом Каримов Термиз шаҳридаги дори-дармон ишлаб чиқарувчи «Сурхон-Аджанта ЛТД» Ўзбекистон — Ҳиндистон қўшма корхонасини бориб кўрди. Бу ерда ҳозирча 20 хил дори-дармон тайёрланмоқда. Хом ашё Ҳиндистондан келтирилаётир. Ваҳоланки, воҳанинг қулай табиий иқлим шароитида ўсаётган гиёҳлардан дори-дармон тайёрлаш имкони мавжуд. **Хом ашёнинг**

(Давоми 2-бетда).

ҚАҲРАМОНЛИК ВА ЖАСОРАТ УНУТИЛМАЙДИ

Ярим асрдан ортиқ вақт ўтибдики, Иккинчи жаҳон урушининг жароҳатлари вужуд ва қалбларни тарк этмайди. У келтирган азоб-уқубатлар, дард ва аламлар инсоният хотирасидан учмайди. Қанча-қанча одамнинг ҳаётини совурган, қанча-қанча инсонни бир умрга мажруҳ, ғудакларни етим қилган, жигарғўшалар, ёр-биродарларни бир-биридан айирган уруш интиҳоси — ғалабани яқинлаштириш учун жонини фидо қилганлар жасорати ҳеч қачон унутилмайди.

Ғалаба куни — Ўзбекистон халқининг ҳам байрамидир. Зеро, юртдошларимиз бу кунга эришиш учун астойдил жанг қилдилар, фронт ортида туну кун тинимсиз ишладилар. Ғалабанинг 52 йиллиги кунида биз уларнинг хотирасини ёдга оламиз, мўътабар фахрийларимиз ва кексаларимизга ҳурмат ва эъзозимизни ифода этамиз...

9 май куни Тошкентдаги «Номаълум аскар» ёдгорлиги ўрнатилган хиёбонга республика Президенти Ислом Каримов, Олий Мажлис ва ҳукумат раҳбарлари, уруш ва меҳнат фахрийлари, жамоатчилик вакиллари келдилар.

Соат 9. Куй садолари остида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Номаълум аскар» ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйди.

Ёдгорлик пойига Республика Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси номидан гулчамбарлар қўйилди. Номаълум аскар хотираси бир зум сукут сақлаб ёдга олинди.

Шу куни «Номаълум аскар» ёдгорлиги ўрнатилган хиёбон пойтахт жамоатчилиги вакиллари, меҳмонлар билан тўлди. Унинг пойига уруш ва меҳнат фахрийлари, Мудофаа вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва жамоат ташкилотлари номидан ҳам гулчамбарлар қўйилди.

* * *

Уруш йиллари Тошкент госпиталларида ҳаётдан кўз юмган жангчилар дафн этилган Волгоград қўчасидаги «Биродарлик қабристони» ҳам байрам куни одамлар билан гавжум бўлди.

Бу ердаги «Мотамсаро аёл» мемориал ёдгорлиги пойига ҳарбий оркестр садолари остида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов гулчамбар қўйди. Республика Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, Мудофаа вазирлиги, уруш ва меҳнат фахрийлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва жамоат ташкилотлари номидан ҳам гулчамбарлар қўйилди.

Урушда халок бўлган жангчиларнинг хотираси бир дақиқа сукут сақлаб ёдга олинди.

Мамлакатимиз раҳбари бу ерда ҳозир бўлган республика фахрийлари, маданият арбоблари билан суҳбатлашди. Ислом Каримов кекса авлод вакилларини Ғалаба байрами билан табриклади, уруш ва меҳнат фахрийларига сиҳат-саломатлик тилади.

— Бугун мустақил Ўзбекистон, унинг меҳнатсевар халқи Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабани байрам қилмоқда, — деди Президент. — Бу ватан озодлиги ва мустақиллиги учун, мана шу мусаффо осмонимиз учун, бизнинг ҳозирги фаровон ҳаётимиз учун жонини қурбон қилганларнинг, барча уруш қатнашчиларининг ғалабасидир. Бу урушда қатнашганлар аввало ўз жонажон халқи ва юрти учун жон берди. Шу боис биз ўзбекистонлик жангчи-

(Давоми 2-бетда).

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ ***Зоир руҳонийси Лоран Моссенгво Зоир мамлакати ўтиш даври парламенти раиси лавозимини эгаллашга розилик билдирди.***

* * *

☑ ***Эронда юз берган зилзила оқибатида 2 мингга яқин киши ҳалок бўлди.***

* * *

☑ ***Россия мудофаа вазири расмий ташриф билан АҚШ ва Японияга жўнаб кетди.***

* * *

☑ ***Тожикистон, Эрон ва Афғонистон Президентлари Душанбеда бўлиб ўтган учрашувда қўшма баёнот қабул қилишди.***

* * *

☑ ***Чеченистондаги тинчлик жараёнлари мақбул бўлмаган шахслар томонидан НТВ журналистлари ўғирлаб кетилган, деб ҳисоблайди Россия Хавфсизлик Кенгаши котиби ўринбосари Борис Березовский.***

* * *

☑ ***Арманистон — Озарбойжон чегара ҳудудларида ўқ отишни тўхтатиш тартибини бузиш ҳоллари давом этмоқда.***

* * *

☑ ***Албанияда халқаро ҳарбий контингент базасини жиноятчилар ўққа тутдилар.***

* * *

☑ ***Смоленск шаҳрида Россиядан миллий осори-атиқаларни олиб чиқиб кетмоқчи бўлган гуруҳ қўлга олинди.***

ҚИДИРУВДАГИ ВАГОНЛАР

Ҳозир ҳам, илгари ҳам темир йўл юк ташиш учун ўнғай. У бир томондан арзон, иккинчи ёқдан қулай. Аммо сўнгги йилларда бу тармоқда оқсаш руй беряпти. Баъзан юк белгиланган муддатда жойларга етиб бормаяпти ёки вагонларнинг носозлиги, масъулиятсизлик ва бошқа сабабларга кўра станцияларда узоқ вақт туриб қолмоқда.

Юқоридаги фикрларни Фарғона темир йўл бўлими миқёсида таҳлил қилмоқчимиз.

Фарғона транспорт прокуратураси томонидан, умумий назорат тартибида, Фарғона темир йўл бўлимида ташилаётган юклар, айниқса, стратегик аҳамиятга эга бўлган юкларни ташишда қонунларни бажарилиши юзасидан текшириш ўтказилди. Бу соҳада бир қанча ишлар амалга оширилгани натижасида юкларнинг асралиши ҳолати бирмунча яхшиланган.

Шу билан бирга юкларни асрашга қаратилган қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилаётгани текширишда аниқланди. Айрим бўлим раҳбарларининг ўзаро алоқаси етарли эмаслиги, хизмат бурчларига масъулиятсизлиги натижасида темир йўл бўлимига катта миқдорда моддий зарар етказилмоқда. Бу эса бўлимни иқтисодий ҳолатини яхшилашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бўлим раҳбарлари бу ҳолатларга нисбатан ўз вақтида етарлича чора-тадбирлар кўрилишини таъмин этишмаган.

Утган йил давомида «Қуқон» ва «Конибодом» темир йўл станцияларида 1631 та вагон носозлиги аниқланиб тўхтатилган ва поездлар таркибидан узилган. Айрим поездлар эса шу сабабли «Конибодом» станциясидан қайтарилиб юборилган. Бундай қонун бузилиш ҳолатлари жорий йилда ҳам мавжуддир.

Вагонларни узилиши ва қайтариб юборилиши ҳолатлари юзасидан Фарғона темир йўл бўлимида ўтказилган тезкор йиғилишлар қарори асосида бу бўлим томонидан буйруқ лойиҳалари тайёрланмаган, тасдиқланган буйруқлар тегишли корхоналарга юборилмаган ва бажарилиши устидан назорат олиб борилмаган. Натижада тезкор йиғилиш қарорида интизомий жазога тортилган станция бошлиқлари Д. Алиев, В. Қодиров, Юсупжонов ва Маматқосимовларга чора ўрнига 8480 сўм рағбатлантириш пули берилган, станция бошлиқлари Мадумаров ва Маматовлардан эса бир ойлик иш ҳақлари етказилган моддий зарарни қоплаш учун ушлаб қолинмаган.

Утган йилнинг тўртинчи чораги давомида вагонларни поезд таркибидан узилиши натижасида етказилган зарарни ҳисоблаб чиқилганда 1500000 сўмдан ошиб кетгани аниқланди.

Утган йил давомида Фарғона темир йўл бўлимидаги станцияларга еқилгимойлаш маҳсулотлари юкланган вагонларни келмаганлиги натижасида Охунбобоев станциясида 111 та тижорий далолатномалар тузилган.

Ҳозирда Охунбобоев станциясида 34 та, Олтиариқ станциясида 6 та қидирув ишлари беркитилмаган, 40 тадан ошиқ вагонларнинг қаердалигини қидириб топиш таъминланмаётибди. Бу ишда шу станция бошлиғининг қонун бузиши натижасида айрим вагонлар нефть маҳсулоти билан йил давомида мақсадсиз қидирилганини айтмаса бўлмас. Вагонларни қидириш иши амалдаги юкларни қидириш йўриқномаси талабида олиб борилмагани оқибатидир бу.

Қидирув юзасидан берилган тезкор телеграммаларга йиллаб жавоб олиниши ва бошқа чора-тадбирлар кўрилмаган, барча манбалардан фойдаланилмаган.

Жумладан: 702742-сонли тижорий далолатнома юзасидан 73076976-сонли цистерна ўтган йилдан бери қидирувда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 май кунги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 1996 йил 24 январь кунги «Тўлов интизоми ва ўзаро ҳисоб-китобларни мустаҳкамлаш тўғрисида»ги Фармонларининг бажарилиши борасида доимий равишда текшириш олиб борилмоқда.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компаниясининг Фарғона бўлимига қарашли ҳисоб-китоб марказидан корхона ва ташкилотларнинг ҳар ойлик қарздорлик рўйхати олиниб, унга асосан темир йўлдан қарздор бўлган корхона ва ташкилотлар қарзларини тўлаш учун чора-тадбир кўрилмоқда.

Қуқон станциясида ушбу Фармоннинг бажарилиши юзасидан текшириш ўтказилганда, Қуқон суперфосфат заводи Фарғона темир йўл бўлимидан қарздор бўлиб қолганлиги аниқланиб, прокуратура аралашувидан сўнг 15 миллион сўм ундириб берилди.

Худди шундай текшириш Асака станциясида ўтказилди. Асака дон маҳсулотлари комбинати ҳам қарздор бўлиб қолганлиги сабабли 17705375 сўм миқдоридаги қарз ундирилди.

Бошқа станцияларда ҳам юқорида кўрсатилган Фармонларнинг бажарилиши юзасидан қатор текшириш ишлари олиб борилди. Натижаларга кўра 21 нафар корхона ва ташкилот раҳбарлари, бош ҳисобчилари келгусида қонунчиликни бузмасликлари ҳақида расман огоҳлантирилдилар, прокуратура аралашувидан сўнг 35 миллион сўмдан ошиқ маблағ темир йўл бўлими фойдасига ундириб берилди.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Фарғона ва Наманган хўжалик судларига 10 миллион 351 минг 986 сўмлик темир йўл хизматлари учун тўланмаган қарзларни ундириб бериш учун олтита даъво аризаси киритилди.

Шунингдек, Қувасой мева-сабзавот тайёрлов жамоа хўжалигидан 4056431 сўмлик, Қувасой чинни буюмлар ишлаб чиқариш корхонасидан 4644280 сўмлик, Бешариқ мева-сабзавот тайёрлов-сотув ташкилотларидан 109963 сўмлик, Бешариқ савдо харид уюшмасидан 571529 сўмлик ҳамда Наманган шаҳридаги 2-сонли СКСК трестидан 60480 сўмлик темир йўл хизматлари учун тўланмаган қарзларни ундириш тўғрисида хўжалик судларига даъво аризалари киритилди.

Аҳат ИСЛОМОВ,
Фарғона транспорт прокурори муовини, адлия кичик маслаҳатчиси.

ҲАР ИШДА ИЗЛАНИШ ВА ТАШАББУСКОРЛИК ЗАРУР

(Давоми. Боши 1-бетда).

асосий қисми ўзимизда тайёрланиши керак. Акс ҳолда бу корхонанинг истиқболи йўқ, деди Президент. **Бунга эришиш учун изланиш, имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш зарур.** Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўзфармсаноат» концерни мазкур корхона билан яқин ҳамкорликда иш юритишлари лозим.

Давлатимиз раҳбари чегара масканларидан бирида бўлиб, ҳарбийларга яратилган шароит, ватанимиз сарҳадларини қўриқлаётган аскар ва зобитларнинг хушёрлиги, жанговар тайёргарлиги билан танишди.

Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир, деди Президент. **Она-Ватан эса — сен туғилган уй, унда қолган ота-онанг, туғишганларинг, ёру-биродарларинг демакдир.** Армия сафида хизмат қилиш йигит учун улкан синовдир. Бу даврда у ҳам жисмонан, ҳам руҳан камол топади. Зеро, мусофир бўлмаган мусулмон бўлмас, деб бежиз айтилмаган. Сизлар соҳибқирон Амир Темур миллати ҳеч кимдан кам эмаслигини теран ҳис этиб, томирингизда ана шу шавкатли аждодлар қони оқаётганидан ғурурланишингиз даркор.

Ўтган йил октябрь ойида давлатимиз раҳбари Ўзбекистон—Тожикистон чегарасидаги Гулбаҳор божхона масканида бўлганида бу ердаги аҳволни мутлақо қониқарсиз дея баҳолаб, уни ўнглаш юзасидан зарур топшириқлар берган эди. Орадан кўп вақт ўтмай, бу ерда зарур анжомлар билан жиҳозланган замонавий божхона биноси қад ростлади.

Мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ҳукм сурмоқда, деди Президент. Лекин қўшни Тожикистон ва Афғонистонда вазият нотинч. Шу боис чегарачи ва божхоначиларимиз ҳамкорликда ишлаб, ҳудудимизга қурол-яроғ, наркотик моддалар олиб ўтилмаслигини, республикамиздан халқимиз учун зарур маҳсулотлар ташиб кетилмаслигини таъминлаши даркор. **Бунинг учун эса ҳар биримиз — у хоҳ раҳбар, хоҳ оддий ишчи бўлсин, ўз иш жойида вазифасини холисона, масъулият ва жавобгарликни ҳис этган ҳолда бажармоғимиз лозим.** Ҳокимликлар, вазирликлар, суд ва ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятини баҳолашда бу асосий мезон бўлмоғи даркор. Бу борада сўров жиддий бўлади. Шунинг учун ҳар ким ўзига ҳисоб бериб борсин. Зеро, бу шартларнинг бажарилишига кўп нарса — юртимиз тинчлиги, келажаги боғлиқдир.

Ўзбекистон сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида ўзи танлаган тараққиёт йўлидан дадил одимламоқда. Бунинг уддасидан чиқиш учун табиий шарт-шароит, илм-фан салоҳияти, иқтисодий имкониятлар етарли. Фақат улардан оқилона фойдаланишга эришмоқ зарур.

Ислом Каримовнинг Сурхондарё вилоятига сафари чоғида унга Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Сурхондарё вилояти ҳокими Ж. Норалиев ҳамроҳлик қилди.

(ЎзА).

ҚАҲРАМОНЛИК ВА ЖАСОРАТ УНУТИЛМАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ларнинг урушда кўрсатган мислсиз қаҳрамонликлари ва жасоратини сира ҳам унутмаслигимиз даркор. Уруш иштирокчилари тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилишимиз, уларнинг саломатлиги ҳақида қайғурушимиз, кекса авлод вакилларига имкони борича кўпроқ моддий ва маънавий ёрдам беришимиз зарур.

Шуни ёдда сақлашимиз керакки, дея давом этди Ислом Каримов, она юрт ҳамиша она юрт бўлиб қолади. Она юрт деган сўзда жуда катта маъно бор. Бу юрт биз учун ҳамиша азиз ва муқаддас бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолади. Ана шу юртнинг ҳар бир фуқароси, миллати ва ёшидан қатъи назар, ўз мамлакати учун ёниб яшамоғи керак. Ватан бахт-саодати, порлоқ келажаги учун доимо қайғуруши ва курашмоғи даркор.

Ёшлар бизнинг келажагимиз. Шундай экан, ёшлар тарбияси тўғрисида, уларнинг маънавиятини юксалтириш ҳақида муттасил ўйлашимиз лозим. Ёшларни кекса авлод вакилларининг бой жанговарлик анъаналари руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор беришимиз керак.

Бугунги мана шундай маросимларда қатнашишдан мақсад эса урушда ҳалок бўлган юртдошларимизнинг қабрларини зиёрат қилиш, уларнинг хотирасини яна бир карра эслашдан, қолаверса, ҳозирги ёруғ кунларимизнинг қадрига етмоқ, не-не машаққатлар билан, қанчадан-қанча қурбонлар эвазига бугунги эркин ва озод ҳаётга эришганимизни ҳар бир юртдошимиз қалби ва онгига сингдиришдан иборатдир.

Ўзбекистон республикаси Давлат мадҳияси янгради. Республика миллий гвардиясининг жангчилари урушда ҳалок бўлганларнинг хотирасига ҳурмат бажо келтириб, шаҳдам қадам ташлаб ўтдилар.

Маросимларда Ўзбекистон Олий Мажлисининг Раиси Э.Халилов, Республика Бош вазири У. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков, Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов иштирок этди.

Ғалаба байрами куни пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонида, маданият ва истироҳат боғларида, ҳиёбон ва кўчаларида, дам олиш масканларида халқ сайллари, уруш қатнашчилари билан қизиқарли учрашув ва суҳбатлар ўтказилди. Санъаткорлар иштирокида концерт дастурлари намойиш этилди, турли спорт мусобақалари уюштирилди. Ғалаба байрами республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида кўтаринки руҳда нишонланди.

Б.ИМОМОВ,
Т.БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбирлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 13 майдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	46,80
1 Австрия шиллинги	5,06
1 Англия фунт стерлинги	97,40
10 Бельгия франки	17,33
1 Голландия гульдени	31,79
10 Греция драхмаси	2,24
1 Дания кронаси	9,39
1 БАА дирхами	16,38
1 АҚШ доллари	60,16
1 Миср фунти	17,77
1 Ирландия фунти	91,44
1 Исландия кронаси	0,85
10 Испания песети	4,22
100 Италия лираси	3,61
1 Канада доллари	43,24
1 Хитой юани	7,25
1 Кувайт динори	198,74
100 Ливан фунти	3,91
1 Малайзия рингги	24,01
1 Германия маркаси	35,76
1 Норвегия кронаси	8,60
1 Польша злотийси	19,22
10 Португалия эскудоси	3,55
1 Сингапур доллари	41,94
1000 Туркия лираси	0,44
1 Финляндия маркаси	11,83
1 Франция франки	10,61
1 Швеция кронаси	7,87
1 Швейцария франки	42,40
1 ЭКЮ	69,42
10 Жанубий Корея вони	0,67
10 Япония иенаси	5,06
1000 Россия рубли	10,43
1 Украина гривнаси	33,13
1000 Белорусь рубли	2,26
1 Эстония кронаси	4,75
1 Латвия лати	103,01
1 Литва лити	15,04
1 Қозоғистон тенгеси	0,80
1 Қирғизистон соми	3,35

Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ИССИҚ УЙДА ДУО ҚИЛИБ ЎТИРСАК»

(«Ўзбекистон овози» 1997 йил 11 март)

Наманган вилоят ҳокимлиги рўзномада босилган юқоридаги сарлавҳали мақолани ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

Мазкур мақола юзасидан вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси газлаштириш ва газ таъминоти бўлим бошлиғи Х. Раҳмонов, вилоят «Наманганга з» бошқармаси ходими Д. Ғозиев, «Поптумангаз» идораси бош муҳандиси Б. Раҳмонов, маҳалла фуқаролар йиғини раислари А. Турдиев ва Р. Тошбоевлар ҳамда шу маҳалла фуқароси Б. Қодировлар иштирокида маҳаллани газлаштириш учун қуйидагилар зарур эканлиги аниқланди:

Хонобод қишлоғи «Водий» жамоа хўжалигига қарашли бўлиб газлаштириш мақсадида лойиҳа ишларини бошлаш учун ер рельефини ўрганиш ишлари бажарилган, холос. Маҳаллани газлаштириш учун магистраль газ тармоғидан 2,5 км. юқори босимли газ тармоғини тортиб, ГРП ўрнатиш ва маҳалла ички қисмини газлаштириш учун ўрта ва паст босимли 11 км. ҳар хил ўлчамли газ қувурлари тортиш зарур. Юқоридаги маҳаллани газлаштиришга 7 миллион сўмдан кўпроқ маблағ керак бўлади. Ушбу маблағ масаласи «Водий» жамоа хўжалиги томонидан ҳал этилса, «Вилоятгаз» ва «Ўзбекгазқурилиш» трестининг МККлари томонидан қисқа муддатда бажариб берилади.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари
Х. МАЛИКОВ.

«БОЗОРДАН БАРАКА ҚОЧГАНДА...»

(«Ўзбекистон овози», 1997 йил 22 март)

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан газетада чоп этилган мазкур сарлавҳали танқидий мақола ва унда кўтарилган масала жойида ўрганиб чиқилди ҳамда тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, Андижон вилоят пул-кредит сиёсати комиссиясида вилоят давлат солиқ бошқармаси, божхона хизмати, банк тизими муассасалари, Қорасув шаҳар ҳокими ва шаҳар солиқ инспекцияси бошлиғи ҳамда тегишли ташкилот раҳбарлари иштирокида мақола муҳокама қилиниб, мавжуд камчиликларни бартараф қилиш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўрилди.

Вилоятнинг барча туманларида нақд пул тушумларини ўз вақтида банк кассаларига топшириш, савдо ва бошқа тушумларни кўпайтириш мақсадида туманларда савдо ташкилотлари, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, деҳқон ва буюм бозорларидаги ишларни талаб даражасида ташкил этиш, таъминот ташкилотларининг савдо ташкилотларига меъёрлаштирилган товарларни ўз вақтида тақсимланиши ва савдо дўконларида аҳолига кундалик зарур товарлар бўлиши ҳамда сотилишини ташкил қилиш таъкидлаб ўтилди.

Андижон вилоят пул-кредит сиёсати комиссияси ва Марказий банк вилоят Бош бошқармасига туман ҳамда шаҳарларда мавжуд аҳволни доимий назоратга олиш, нақд пул тушумини кўпайтириш ва пул муомаласини барқарорлаштириш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўриш вазифаси юклатилди.

Марказий банк раисининг
биринчи муовини
М. НУРМУРОДОВ.

«РАДИО ТАРМОҒИГА НИМА БЎЛДИ?»

(«Ўзбекистон овози», 1997 йил 29 март)

Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси газетада босилган мазкур сарлавҳали мақолани диққат билан ўрганиб чиқди.

Ҳақиқатдан ҳам, кўчани кенгайтириш натижасида олдинги радио симлари йўли кўча ўртасига тушганлиги муносабати билан ҳозирги кунда ишламайди. Эндиликда радио тармоғини тиклаш учун қурилиш-монтаж ишларини бажариш лозим. Йўл қурилиши Тошкент шаҳар капитал қурилиш бош бошқармасининг буюртмасига асосан бажарилганлигини инобатга олиб, радиоалоқасини тиклаш ишларини бажариш учун бошқармага техник шароит ҳужжатлари 1996 йилда топширилган. Қурилиш-монтаж ишлари шу бошқарма орқали бажарилиши лозим эди. Барча режалар ниҳоясига етгач, радиоларни улаб бериш ва уларга хизмат кўрсатиш бизнинг зиммамизга тушади.

Тошкент шаҳар капитал қурилиш бош бошқармасига рўзномада танқидий мақола чиққанлигини ва аҳоли талабини қондириш учун техник шароитда кўрсатилган ишларни бажариш кераклигини сўраб, расмий равишда хат жўнатдик.

Бирлашма бош муҳандиси
В. ТАГАЕВ.

«МЕҲНАТИМ ҚАДРЛАНСА...»

(«Ўзбекистон овози» 1997 йил 12 апрель)

Ижтимоий таъминот вазирлиги газетада чоп этилган «Меҳнатим қадрланса...» сарлавҳали мақола бўйича қуйидагиларни маълум қилади:

1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунига биноан тайинланган ва иккинчи жаҳон уруши йилларида мамлакат ичкарисида ишлаган шахсларга — энг кам ойлик иш ҳақининг — 30 фоизи миқдорида пенсияга устама қўшиб бериш кўзда тутилган.

Мақола муаллифининг ёзишича, у киши ички ишлар органларида ишлаб пенсияга чиққан. Шу сабабли кўтарилаётган масала бўйича у киши Ички ишлар вазирлигига мурожаат этиши лозим.

Вазир Б. УМУРЗОҚОВ.

Партия ахбороти

ЯНГИ КОТИБ САЙЛАНДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ғиждувон туман кенгашининг пленумида ташкилий масала кўрилди. Н. Номозов бошқа ишга ўтганлиги сабабли туман кенгаши биринчи котиби вазифасидан озод этилди.

Илгари Бухоро вилояти ҳокимлигида мутахассислар гуруҳи етакчи мутахассиси бўлиб ишлаган Ю. Наврўзов туман партия кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро вилояти кенгашининг котиби С. Болтаев, туман ҳокими А. Мўминов қатнашди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗИГА ХОС КЎРИК-ТАНЛОВ

Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши шаҳар ва туман кенгашлари, бошланғич ташкилотлар ҳузурида ташкил этилган «Маърифат» марказларининг иш фаолиятини тубдан яхшилаш мақсадида «Йилнинг энг намунали партия тарғибот маркази» кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Танлов Ўзбекистон мустақиллиги ва ХДП ташкил этилганлигининг олти йиллиги арафасида якунланади.

Зоҳидахон КЕНЖАЕВА.

Уйчи туманидаги «Наманганавтотранспорт» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти қатор муваффақиятларни қўлга киритмоқда.

Диққатга сазовор жойи шундаки, жамият ҳайдовчилари томонидан бирорта ҳам авария содир этилмади. Қоидабузарликлар кескин камайди.

Автотранспортчилардан Абдулло Тожибоев, Абдумажид Аббосов, Собиржон Сирожиддинов, Турсунбой Жўраевлар сидқидилдан меҳнат қилиб, ҳамкасблари ўртасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлишмоқда.

СУРАТЛАРДА: корхонанинг ташқи кўриниши ва бир гуруҳ илғорлар.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар.

ХОЛИС ЁРДАМ

НУКУС. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида «Клаас» фирмаси менежери Иосиф Герцог билан Германия техник маркази дастури раҳбари Франк Кюфлер қабул қилинди.

Маълумки, Япония ҳукумати Германиянинг «Клаас» фирмасида тайёрланган 16 та комбайнни Қорақалпоғистон учун холис ёрдам сифатида инъом этган эди. Ўтган йили шу комбайнлар ёрдамида 3 минг 322 гектар майдондаги шоли йиғиштириб олинган.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

ХИЗМАТ ТАКОМИЛЛАШАДИ

САМАРҚАНД. Вилоят почта алоқаси ва матбуот тарқатиш бошқармаси замонавий қулайликларга эга бўлган янги бинога кўчиб ўтди. Бу бино темир йўл вокзали биноси мажмуида бунёд этилган. Корхонани вилоят хўжаликлараро қурилиш трестининг 157-кўчма колоннаси азаматлари қуриб беришди.

Ўсар АБДУРАҲИМОВ.

Ўзбекистон кончилик саноати

ЛАНГАРНИНГ ОЛТИН ДАВРИ

Кон тақдири Лангар тақдири билан чамбарчас боғлиқ. Унинг карьерларидан блок ва шпат каби халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлган маҳсулотлар қазиб олинади. Конлардан қимматли хом-ашёни қазиб олиш, уни мамлакатимиз ҳамда қўшни давлатларнинг корхоналарига етказиб беришдек залворли юк «Лангар» ҳиссадорлик жамияти жамоаси зиммасида. Ҳиссадорларнинг бугунги фаолиятлари ҳақида жамият бошқаруви раиси Жўрақул ЙЎЛДОШЕВ билан суҳбатлашдик.

— Жўрақул ака, «янги рўзғор» шароитида Лангарда аҳвол қандай?

— Айни кунларда мамлакатдаги чет эллар билан ишловчи аксарият ташкилот, корхона ва хўжаликларда дуч келинаётган муаммолар Лангарда ҳам акс садо беряпти. Аввало, кам маҳсулот ишлаб чиқаряпмиз. Тоғлардан қазиб олинган минглаб тонна хом ашё корхонамиз омборларида ва юк ортиш станцияларида тўпланиб қолган. Бунинг асосий сабаби шундаки, собиқ иттифоқ даврида бу ерда ишлаб чиқарилган гранит блоклари ва шпатнинг бешдан уч қисми Россия томонларга жўнатилган. Бу иш ҳозир тўхтаб қолди. Маҳсулотимизга қўшни давлатларда талаб ниҳоятда катта. Лекин уларни темир йўл харажати ўйлантириб қўйган. Мана бу ечимини кутаётган бир муаммо.

Иккинчи бир қийин масала республикамиздаги бизнинг кон маҳсулотлари билан ишлаётган аксарият корхоналарнинг иқтисодий заифлиги масаласидир. Четга хом ашё юбориш камайгач, биз республикамиздан янги истеъмолчилар изладик. 1993—94 йиллар истеъмолчиларни том маънода ўзимизга «қайтариш йили» бўлди. Тошкент, Самарқанд, Қувасой чинни заводлари, Ғазалкент шиша заводи билан шартнома туздик. Уларга йилига эллик минг тонна атрофида хом ашё юбориб турдик. Аммо кейинчалик ишда узилишлар пайдо бўла бошлади. Эътибор беринг. Бизнинг корхонанинг кредитор қарзи бугунги кунда 25 миллион сўмни ташкил этади. Дебитор қарзлар эса 36 миллион сўмга етади, яъни Қувасой «Кварц», чинни, Ғазалкент ойна ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти, Тошкент ва Самарқанд заводлари ҳамда бошқа бир қанча асосий истеъмолчиларимиз қарзларини ўз вақтида тўлолмай қолишди.

— Шу ўринда табиий савол туғилади: сизлар қарзингизни ундиролмай овора бир пайтда яна қандай қилиб қарздорларга хом ашё жўнатасизлар?

— Биз уларга хом ашё беришни 50 фоизга камайтирдик, тўлов муддатини кечиктирмаслик шарти билан. Чунки уларнинг шаштини ҳам тўхтатиб қўймаслик керак. Аммо ўзимиз жуда қийналяпмиз, ишлаб чиқаришни ҳам эллик фоизга туширибўтирибмиз.

— Бу вазиятдан чиқишнинг қандай йўли бор? Бу аҳволда банкротлик, ишсизлик сизларга таҳдид солмайдими?

— Биласизми, шундай вазиятда ҳам ишчилар сонини қисқартирмадик, балки қўшимча иш жойлари очишга ҳаракат қилаётирмиз. Самарқанддаги «Гелион» заводининг Лангардаги филиали ёпилгач, анчагина хотин-қизларимиз ишсиз қолишди. Биз ана шулар учун янги иш жойлари — атлас, гилам тўқиш, кончиларимиз учун иш кийимлари, қўлқоплар тикадиган тикувчилик цехлари очдик. Яқинда сопол товоқ, пиёла, коса ишлаб чиқарувчи цехни қуриб, илк маҳсулотни олдик. Шу кунларда «Агама» қўшма корхонасининг оталиқ ёрдамида юз ишчи ўрнига мўлжалланган фирма очяпмиз. Иш жойи учун бино тайёр. Дастгоҳларни эса «Агама» беради. Шлакли блок ишлаб чиқарувчи мавсумий ишхона очиш ҳам кўнглимизда бор. Ўтган йили иккита гўшт дўкони, жувозхона, сартарошхона, этикдўзлик, телевизор-радио тузатиш устахоналари очдик. Ҳозир бир бозорча қуряпмиз. Атрофида йигирмата кичик, аммо кўркам дўкончалар бор. Бу ҳам анчагина кишини иш билан таъминланишига олиб келди. Шунингдек, ишчиларимизни иқтисодий-ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида талабга қараб ойига 15-20 жуфт тегирмон тоши тайёрлаб, сотяпмиз. Бизнинг конимиздаги тошлардан ясалган тегирмон тошлари ўта мустаҳкам ва талабга жавоб беради. У мутахассислар томонидан тан олинган, сифатли! Фарғона водийси, Қашқадарё воҳаси ва Туркманистондан минг-минглаб буюртмалар бор. Аммо биз истеъмолчилар талабининг ўндан бир қисмини ҳам қондираолмаётирмиз. Шунинг учун ҳам бу борада немислар билан айнан тегирмон тош ишлаб чиқарадиган қўшма корхона қуришга келишиб олдик.

Шу ўринда бир-икки мулоҳазали гапларга диққатингизни тортмоқчи эдим. Бизда ҳамма тегирмон тоши ясашга киришиб кетган. Мармардан ҳам, гранитнинг қаттиқлиги ва таркибига ҳам қарамасдан ясайверишади. Ҳатто, бизнинг Лангарнинг ўзида ҳам кишилар ўзларича кон очиб, уйларида қўлбола тегирмон тошлари ясашяпти. Сотиб олувчилар ўйлаб ўтирмай олишаверади. Ахир улар мармар ва оҳактош денгиз ҳайвонлари қолдиқларининг маҳсули эканлигини, гранитнинг эса ўта заҳарли моддаларни ўзида сақлашини қаёқдан ҳам билишсин!

Бизнинг гранит эса лейкократ, яъни магманинг қаймоғи бўлиб, ўзининг оқ, софлиги, зарарсизлиги билан ажралиб турадиган ноёб гранит бўлиб, чиннисозликда бекорга қўлланмаслигини кўпчилик билмайди. Бизнинг ҳам катта хатомиз маҳсулотимизни кўз-кўз қилишни, реклама қилишни билмаймиз. Энди буни ўрганишимиз шарт!

— Айтгандай, яқинда сиз Италияда бўлиб қайтдингиз?

— Верона шаҳрида дунёдаги барча мармар, гранит сингари тошларга ишлов берадиган ускуналар ишлаб чиқарувчи ва қазиб олувчи корхоналарнинг вакиллари йиғилишди. Бизнинг хом ашё, айниқса, Кўксарой «Азлартол» конларидан олинаётган гранитлар дунёда рангли, пишиқ ва мустаҳкамлиги бўйича энг сифатлиларидан бири деб баҳоланади. Ҳозир ўзингиз биласиз, ҳамма ўзини мармарга «уриб кетди». Чунки у анча осон қазиб олинади ва анча осон кесилади. Биз эса гранит билан ишлашни қатъий давом эттирамиз. Шу кунгача фақат гранит билан кун кўриб келдик. Гранит — бизнинг келажагимиз. Давр талаби ҳам шу. Шунинг учун ҳам Италиянинг «Педрино», «Гаспари-Минотти», «Бенитти» ва Финляндиянинг «Тампок» фирмалари билан шартнома туздик. Шартномага мувофиқ, улар бизга гранит қазиб оладиган, кесадиган ва ишлов берадиган дастгоҳлар етказиб, ўрнатиб беришади ва улар билан ишлашни ўргатишади.

Хориждан олиб келмоқчи бўлаётган дастгоҳларимизнинг фақатгина бир линияси бир йилда жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган 60 минг квадрат метр гранит плита ишлаб чиқариш қувватига эга. Бундай тайёр маҳсулотлар ҳар қанча қиммат баҳо бўлса-да, ўта харидоргир, бозори чаққон. Ўйлаб юрган, елиб-югураётган ана шу режамиз тез орада амалга ошса, Лангарнинг том маънодаги олтин даври бошланиши шубҳасиз.

— Ҳозирги шароитда тошларга ишлов берадиган дастгоҳларни ўрнатиш учун замонавий иншоот ҳам зарур-ку!

— 1987 йили тошни кесиш ва ишлов бериш заводи ўз кучимиз ва маблағимиз ҳисобига қурила бошланган эди. Энди озгина куч сарфласак, бир йўла олтита линияга эга бўлган завод ишга тушади.

— Бунга кон заҳираси етарлими?

— Лангар атрофида заҳираси аниқланган «Марказий» ва «Сувайиргич» шпат конлари бор. Ҳозир ишлаб турган коннинг ўзида хом ашё юз йилга етади. Заҳирадаги икки кон маҳсулоти ҳам юз-юз эллик йилга мўлжалланган. Кўксарой «Азлартол» кони заҳираси ундан-да кўпга етади. Умуман, бизда табиий бойлик заҳиралари ҳам, уларнинг турлари ҳам беҳисоб.

— Чинни ишлаб чиқариш учун ҳамма нарса етарли бўлса, Лангарда тайёр маҳсулот ишлаб чиқарса бўлмайдими?

— Ҳозирга келиб Лангарга газ қувурларини тортиш ишлари бошланиш арафасида. Биз чинни заводи очишимиз мумкин. Бунга қурбимиз етади. Бундан бошқа ҳам яхши бир ниятимиз бор. Силикат тошларини суюлтириб, қурилишларга суюқ шиша етказиб берамиз, автомобиллар учун олд ва орқа ойналар, шиша идишлар, банкалар ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз.

Худоёр КАРИМОВ
суҳбатлашди.
Навоий вилояти.

КОМИЛЛИК – ФАЗИЛАТ ЭМАС, ФАОЛИЯТДИР

Ҳар бир оқил инсоннинг ва жамиятимизнинг муқаддас вазифаси, айтиш мумкинки, ҳаётининг маъноси қобил фарзандлар ўстириш, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан мукаммал қилиб тарбиялаш, камолини кўриш, ота-онасига, Ватанига садоқатли кишилар этиб вояга етказишдан иборатдир.

Ислом КАРИМОВ.

ШАРҚОНА ТАРБИЯ — РУҲ КАМОЛОТИ

Бундан уч-тўрт йил аввал бир мухбирнинг «Бу дунёга келиб орттирган энг катта бойлигингиз нима?» деган саволига «Болаларим!» дея жавоб берган эдим. Мен болаларимни, айниқса уларнинг кўзларини беҳад севаман. Бу кўзларда уларнинг юраги акс этиб тургандек: бирам беғубор, бирам пок, бирам осуда. Баъзан ўйламай айтган бир аччиқ сўзим туфайли озор чеккан юраклари тўлиб кетадида, кўзларидан томчи-томчи ёш ситилиб чиқади. Баъзан шунчаки эркалашим сабаб бўлади-ю, юракда чарақлаб кетган шуур кўзларига урилиб, меҳр нурини таратади.

Мен фарзандларимнинг ҳар бирини Ватанга фидойи, ҳалол одамлар бўлишини истайман. Бу шунчаки истак эмас, бу менинг энг катта орзу ва мақсадим. Яқинда мен Вашингтонда бўлиб ўтган Осиё адиблари анжуманидан қайтдим. Анжуманда замонамизнинг ўта муҳим масаласи — инсон ва оила тарбияси билан боғлиқ муаммолар муҳокама этилди. Дунёнинг машҳур адиб ва олимлари, хусусан, Нобель мукофоти соҳиби Уильям Беннетт, машҳур файласуфлар Фрэнсис Фукияма, Сохо Машида, таниқли ёзувчи Абдужамил Нурпеисов ҳаяжонли маърузалар қилишди. Уларни тинглар эканман, Президент Билл Клинтоннинг йил бошида АҚШ конгрессида сўзлаган нутқидаги бир фикр онг шууримда чарх ураверди: «Бугун Қўшма Штатлар учун оила ва мактабдан муҳим нарса йўқ», — дея хитоб қилган эди ўшанда Б. Клинтон. Бу фикрни эшитган пайтим: «Ажаб, АҚШдек қудратли давлат бошлиғи шундай деб турса-я!» деб ўйлаган эдим. Жавобни анжуманда топдим. Зеро, Осиё адиблари анжуманининг АҚШ пойтахтида ўтказилиши ҳам бежиз эмас экан. Мезбон мамлакат адабиётчилари ўз мамлакатлари тақдири ҳақида қайғуриб гапирар эканлар, Америка жамияти асосини ташкил этган оилада таназзул бошланганини, бу эса умумий таназзулга олиб келиши мумкинлигини қайта-қайта такрорладилар. Уларнинг фикрича, ҳар қандай таназзул энг аввало оиладан бошланади, демак, ҳар қандай юксалиш ҳам оила билан боғлиқ. Америкаликлар инсоният маънавиятининг бешиги — Шарқ тафаккуридан нажот кутишларини айтдилар. Маърузачиларнинг бири эса, ҳар қандай тарбия энг аввало юракка қаратилмоғи лозимлиги ҳақида гапирди. Унинг фикрича, юрак тарбияси шарқона тарбиянинг асосидир.

Анжумандан қайтган куним мамлакатимиз Президентининг Андижонда сўзлаган нутқини эшитдим. Анжуман таассуротларига янги ҳаяжонлар қўшилди.

Ҳеч кимга сир эмас, бугун ўтиш даврининг мураккаб жараёнини бошдан кечирмоқдамиз. Баъзан умидсизланиб, баъзан руҳан юксалиб яшаяпмиз. Айни мана шу умидсизлик ҳам, руҳий юксалиш ҳам юрагимизда кечаётган ҳолатларнинг самарасидир. Тафаккуримизнинг янгиланиши ҳам юрагимизнинг ҳолатига боғлиқдир. Зеро, ўтмиш донишмандлари таъкидлаганларидек, қалб инсоннинг асл моҳиятидирким, инсон бутун илму маърифатга қалб воситасида эришади ва хитоб, азоб, танбеҳ ва талаблар унга қаратилган бўлади.

МУКАММАЛЛИК ДОНОЛАР ЙЎЛИ

Ҳарбий санъат тарихидан хабардор кишилар уруш ёки жанг тақдирини қарама -қарши турган қўшинларнинг сони эмас, балки уларнинг руҳий ҳолати, руҳий тарбияси ҳал қилишини яхши биладилар. Жамиятнинг таназзули ёки равнақи ҳам одамлар руҳияти ва маънавияти билан боғлиқ. Бу руҳият, бу маънавият юракдандир. Юрак теран илдизли дарахт, руҳият ва маънавият — япроқлару мевалардир. Юрак тарбияси ҳақидаги фикрларимни давом эттиришдан аввал диққатингизни бир қаращда ўта ибтидоий бўлиб кўринадиган бир мулоҳазага қаратаман.

«Таълим-тарбия болаликнинг дастлабки йилларидаёқ бошланади. Бола бошқалар айтган сўзлар маъносини англай бошлаши билан ота-онаси уни тарбиялашга киришадилар. Улар айтилган сўз ва бирон бир ибратли иш воситасида фарзандларини мукаммаллик сари бошлайдилар. Унга нима яхши-ю, нима ёмон, ҳаллолик нима-ю, разолат нима, нима Худога ёқади-ю, нима ёқмайди — барча-барчасини ўргатишга уринадилар. Кейинги босқичда улар фарзандларини ўқитувчилар қўлига топширадилар ва улардан хатсаводдан ҳам бола хулқ-атворига кўпроқ эътибор беришларини илтимос қиладилар. Ўқитувчилар ҳам ота-она илтимосини инобатга олиб иш кўрадилар: болага хат-савод ўргатиб, унинг қўлига улуғ шоирлар китобларини тутқазадилар. «Ўқигин, ёд олгин!» — деб ўқитирадилар. Бу китобларда насиҳату эртаклар, ўтмишнинг буюк даҳолари ҳақида битилган ҳикоялар жамланган бўлади. Бола уларни мутолаа қилар экан, улуғ инсонларга ҳавас қилади, уларга ўхшашга интилади».

Ушбу сатрларнинг битилганига қарийб 2500 йил бўлган. Улар мелоддан аввалги V асрда яшаган машҳур юнон файласуфи Афлотунга мансуб.

Йигирма беш асрдан кейин ҳам донишманд сўзлари нақадар замонавий жаранглаётганини фаҳмлагандирсиз. Гўё файласуф бу сўзларни йигирма беш аср аввал эмас, ёнимизда ўтириб айтаётгандай... Йигирма беш асрдан буён боланинг тили чиқиши билан мактабга берадилар, тарбиялайдилар, хатсавод ўргатадилар. Бу ҳар бир инсон босиб ўтиши лозим бўлган йўлдир.

Бу йўлдан мақсад нима? Агар Афлотуннинг сўзларини диққат билан ўқиган бўлсангиз, мақсад — хат-савод эмас, энг аввало хулқ-атвор тарбияси, яъни маънавий комилликдир. Тўғри, ҳар қандай таълимдан икки мақсад кўзланади: бирламчи, умумий билим олиш, илму фанлар моҳиятидан хабардор бўлиш; иккиламчи, маънавий тарбия олиш, шу орқали муайян хулқ-атворга эга бўлиш. Кимлардир бу мақсадлардан биринчисини тан олса, кимлардир иккинчисини эътироф этадилар. Аммо қачонлардир АҚШ Президенти Теодор Рузвельт бу муаммони идрок этар экан, шундай ёзган эди: «Агар сиз инсон табиатидаги маънавиятни эмас, ақл-идрокнигина тарбиялашга зўр берсангиз, жамият учун катта хавф-хатарни вужудга келтирасиз». Улуғ боболаримиздан бири комил инсон табиатини тўрт унсур ташкил этишини таъкидлайди, яъни «яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф». Агар эътибор берган бўлсангиз, инсонийлигимизни белгиловчи бу тўрт талабдан учтаси маънавий тарбия билан, ёлгиз биттаси, маълум маънода, ақлий тарбия билан боғлиқ.

Миллат ва маънавий тарбия

Демак, аждодларимиз учун маънавий тарбия (маънавий билим) ақлий тарбия (ақлий тарбия)дан устун саналган.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНИШ

Таниқли олим Нажмиддин Комилов ибораси билан айтганда, комил инсон илмининг назариётчиси бўлмиш Шайх Азизиддин Насафий камолотнинг белгиси сифатида икки нарсани асос қилиб олган. Бунинг бири — ҳамида ахлоқ бўлса, иккинчиси — ўз-ўзини таниш. «Бинобарин, — деб уқтиради асрлар оша Шайх Насафий, — инсоннинг камолотга эришиши ҳамида ахлоққа эга бўлиб, ўз-ўзини таниш билан амалга ошади».

Инсон камолоти унинг ахлоқи ва ўз-ўзини таниши маънавий тарбия билан боғлиқ. Ўзликни англаш, баъзилар тор тушунганидек, фақат миллий қадриятларни, тарихимизни англашгина эмас, ўзликни англаш — инсонийликни, инсофу диёнатни, ҳалолу ҳаромни, эзгулик ва разолатни, эрк ва қулликни, адолат ва ҳақсизликни, инсоний муносабатларни, саховат ва бахлликни, пасткашлик ва ўктамликни англаш демакдир. Шуларнинг бири англанмас экан, инсон ўзлигини англамайди. Ҳатто биргина инсон хусусида ҳазрат Навоий: «Кимдаки инсоф йўқ — инсон эмас», дея ёзганлари бежиз эмас.

Инсонни бошқа жонзотлардан кўп фарқлар билан ажратадилар. Мен уни бошқа жонзотлардан энг аввало юраги билан ажратгим келади. Инсон юраги билан инсондир. Инсонни инсон қиладиган юракдир. Ақлу фаросат маълум даражада ҳайвонларга ҳам ато этилган. Чумолининг ҳам ўзига яраша «тафаккури» бор. У тухумдан чиқиши билан «чумолилик тафаккури»га эга бўлади. Уларнинг ҳаёт кечириш тарзи генетик жаҳатдан қатъий белгилаб қўйилган. У тухумдан чиқишидан бошлаб то ўлим топгунча атроф-борлиққа, хавф-хатарга бир хил тарзда муносабатда бўлади. У ҳеч қачон ўзини мукаммал қилишни ўйламайди, на қайғуради, на қувонади, на шахсий муносабатларни тан олади. Чумолилик табиатидан кутилмаган ҳолатлар юз бермайди.

Одамзот эса туғилгандан бошлаб қандай инсон бўлиши лозимлиги ҳақида сабоқ олади, бунинг учун у атрофидаги одамлардан, аждодлари мерос қолдирган одатлардан ўрганади. Турли ҳолатларда ўзини қандай тутиш лозимлигини англайди. Турфа ҳодисалар туфайли табиатида юз берадиган ўзгаришларни идрок этади. Агар қишлоқ этагидаги ялангликда тухумдан чиққан чумоли билан шаҳар марказидаги ўтлоқда пайдо бўлган чумоли табиати бир тарзда монанд бўлса, ёнма-ён ҳовлиларда дунёга келган икки гўдак табиати вақт ўтиб бир-биридан кескин фарқ қилиши мумкин. Бу улар тарбияланган оилалардаги муҳит ва муносабатларга боғлиқ бўлади.

Ҳа, инсон энг аввало юраги билан фарқ қилади. Мен бу ўринда юракнинг физиологик хусусиятини эмас, балки инсоний ҳис-ҳаяжонлар манбаи эканлигини назарда тутмоқдаман.

Инсон юраги — меҳр-муҳаббат манбаи. Инсон юраги — эзгулик ва ёвузлик курашадиган майдон. Улар инсон юраги учун курашадилар. Илоҳий туйғулар шайтоний ҳирсу ҳаваслар билан юзма-юз келади. Шу боис Шарқ донишмандлари «Ўзингни англашни истасанг, юрагингни англа» деб насиҳат қиладилар. Қалб маъносида Имом Ғаззолий бундай ёзадилар: «Улуғлик эгаси, буюк Оллоҳ ҳаққи-ҳурмати, мен Исо алайҳиссаломга нозил этилган Инжилда кўрдим: «Мурдани жанозага қўйилган вақтдан то қабр бошига элтгунча Оллоҳ ўз улуғлиги билан қирқ савол сўрайди. Энг биринчи саволда Оллоҳ айтадики: «Эй бандам, сен неча йиллар давомида бандалар назари тушадиган жойларни поклаб, тозалаб юрдингу, аммо менинг назарим тушадиган Қалбингни ақалли бирон соат ҳам пок тутмадинг. Мен эса умидвор бўлиб, ҳар кун сенинг қалбингга қарайман...» Ҳазрати Ҳужжатулислом шу боис «Кимиёи саодат»да «Дилингни билсанг ўзингни таниғайсен» дея сабоқ берадилар.

Инсон қалби меҳр нурини таратади. Меҳр нурини қабул қилиб, қувонади, яйрайди, эзгу ва улуғ ишларга инсонни даъват этади. Инсон қалби муҳаббатгагина очилади, муҳаббатдан, меҳру шафқатдан севинади. Азият ва озордан қайғуради. Қайғу эса инсон табиатини бузади, уни ёвузликка етаклайди.

Ўзликни англаш ҳақида мулоҳаза юритганда идроку тафаккур ҳақида гапирамизу инсонийлигимиз, табиатимиз онаси бўлмиш юракни унутиб қўямиз «Ватанни севмоқ иймондандир» деган сўзлар шиорлару тилларда эмас, юракларда бўлишини наҳотки билмасак? Зеро, Ватанни севиш иймондан экан, йимон юракдагина бўлишини англамоғимиз керак.

ДЕМОКРАТИЯ — МЕЪЁРДИР

Ватанни севиш туйғуси қачон пайдо бўлади? Бу оиладаги муҳит билан боғлиқ. Бола ота-она меҳрини ҳар дақиқа сезиб-билиб турар экан, юрак-бағри билан уларга қараб интилади, жавобан уларни суяди. Бу ҳолат юракни севишга ўргатади. Аммо ота-она бола талпинишига лоқайд қолса, у асабийлашади, бутун борлиқ бегона бўлиб бораверади. Оқибатда бола юрагида ёвуз руҳ уйғонади, унинг юрагида кечаётган беомон жангда илоҳий туйғулар шайтоний истак-ҳаваслардан енгилади — бола ҳаммадан нафратланади, бошқаларга ёмонлик тилайди. Юраги муҳаббатсиз улғайган бола шахс сифатида бузилади, у муҳаббатни пул, шон-шуҳрат, ҳокимият орқали қўлга киритишга интилади. Унинг юрагида на иймон, на Ватан туйғуси бўлади. У ақл-идрокли, соатлаб Ватанни севиш ҳақида ваъз айтиши мумкин, аммо юраги юрт ва эл манфаати учун «жиз» ҳам этмайди.

Айни шу сабабдан комил инсон тарбияси деганда, юрак тарбиясини тушуниш керак. Ер билан теп-текис, вайрон бўлган Японияни кўплар ўйлаганидек, японияликларнинг ёлғиз ақлу идроки эмас, уларнинг Ватан деб жўш урган юраклари қайта бунёд этгани юракнинг, муҳаббатга тўла юракнинг нимага қодир бўлишининг ёрқин тимсолидир. Инсон чуқур билимга эга бўлиши мумкин. Аммо, Эйхман каби ўз билимини, тафаккурини газ камераларини яратишга сарфлаши мумкин. Айнан шу ҳақда халқимизнинг гўзал ҳикмати бор: Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин! Бугун мустақиллик йўлига кириб, машаққатли довонни ошиб ўтаётган юртимиз учун олим одамлар керак, мутахассис одамлар керак, фидойи одамлар керак!

Нега Ватаннинг бугунги, ўтмиши билан фахрланиш паст, деймиз. Ифтихор туйғуси йўқ миллат миллат бўлолмайди, деймиз аммо, бир ўйлаб боқинг, Ватаннинг ўтмиши, бугуни ва келажаги билан ифтихор қилиш учун юракка қандай озуқа беряпмиз?

Миллий туйғулар умуминсоний туйғулар билан омухта бўлсин деймиз. Аммо, билмаймизки, миллий туйғулар тарбиялансагина умуминсоний туйғулар ҳам табиатимизда қарор топади, уларнинг уйғунлиги мукаммал бўлади. Жуда ғалати бу фикр! Аммо, тўғри фикр! Умуминсонийликка интилишни Ғарбга тақлид қилиш деб тушунамиз. «Ўзбек телевидениесида Ғарбга тақлид қилиш авжига чиқяпти. Миллий туйғуларни тарбиялашга хизмат қилувчи кўрсатувлар бутунлай йўқолиб, маънавиятбозлик, тафаккурбозликни тарғиб қилувчи сохта ва енгил-елпи кўрсатувлар кўпайиб бормоқда» деб овоз чиқарсангиз, «Нима сиз миллий маҳдудлик тарафдоримисиз? Умуминсоний қадриятларга интилиш — тараққиётга интилиш демакдир» деган даъволарни эшитасиз. Аммо, даъвогарларга умуминсоний қадриятларга интилиш билан Ғарб оммавий маданиятига кўр-кўрона тақлид қилиш ўртасида еру осмончалик фарқ борлигини тушунтиролмайсиз.

Бугун Ўзбекистон аҳолиси учун иккита телевизион канал орқалигина (унинг ҳам биттаси чала ҳолда) ўзбек тилида кўрсатувлар берилаётган бир пайтда, пойтахт ва вилоят марказларида эрта-ю, кеч Ғарб оммавий маданияти «ютуқларини» намойиш этаётган каналларнинг сони соат сайин кўпайиб бораётганини қандай тушуниш мукин. Ёки бу гал ҳам демократия ёки умуминсоний қадриятларни пеш қилиш билан шуғулланамизми? Аммо, демократия энг аввало меъёр демакдир. Умуминсоний қадриятлар ҳам энг аввало миллийлик заминида камол топади. Мен япон олчаси — сакурани қанчалик севмайин, унга бағишланган гўзал шеърий сатрлардан нечоғлик яйрамайин, агар болалик чоғларимда ҳовлимиз этагида бодроқ-бодроқ гул очувчи саврий гилосни кўриб илк ҳайрат туйғусини сезмаганимда, бугун сакура юрагимга қилча ҳам ҳайрат етказолмасди.

Ислом Каримов Андижонда сўзлаган нутқида ёшларнинг касб танлаши муаммоларига алоҳида эътибор берди. Жумладан, Президентимиз касбни онгли равишда танлаш ва бундан моддий манфаат эмас, балки меҳр-муҳаббат устун бўлиши муҳимлигини, фақат ўз ишини севган кишигина меҳнатидан завқланишини қайта-қайта таъкидлаганида, мен яна инсон юраги ҳақида ўйладим.

Юраги тоза, пок инсонлар ҳамиша, ҳар қандай шароитда Ватан ва миллат учун хизмат қилишини, айни шу сабабдан ҳар биримиз ҳар қандай шароитда фарзандларимиз юрагига меҳр уруғини қадашимиз лозимлиги ҳақида ўйладим. Юраги маънавият нури билан йўғрилган, ўзлигини таниган инсонлар ҳаётининг асл моҳияти Ватан йўлида қурбон бўлишга, астойдил меҳнат қилишга тайёр эканликларида акс этишини ўйладим.

Фарзандларимиз кўзларига кўпроқ қарайлик. Кўз — юрак кўзгусидир. Бу кўзгуга қараб, фақат бола юрагининг қувончларинигина эмас, ўзимизни, ўз меҳнатимиз самарасини ҳам кўришимиз мумкин.

Хуршид ДАВРОН.



ГУРУНГ. Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

ТОШ АСРИ ОДАМЛАРИ

Калимантан ороллари-нинг одам қадами етмаган жойларида шундай қабилалар борки, уларнинг ҳаёт тарзида ҳалиям тош асри нафаси сезилиб туради. Айниқса, канибаллар қабиласи нақ тош асрида яшашмоқда. Даниялик антрополог олим, профессор Бент Иверсен тўрт йил давомида уларни ўрганиб ва кузатиб шундай хулосага келди. Олим ҳозир улар тўғрисида «Цивилизация остонасида» деган китобни эълон қилиш арафасида турибди.

Иверсен каннибал қабиласи тўғрисида қизиқ маълумотларни тўплаган. Масалан, барча каннибаллар гўштни хуш кўришади, айниқса «вегетариантлар»ни маза қилиб ейишади, негаки, уларнинг айтишича, «вегетариантлар» гўшти жуда юмшоқ, нозик бўларкан. Бундан ташқари қабила душманларининг гўштини катта иштаҳа билан тановвул қилишади.

Агар улар «севган» ранг тўғрисида тўхталадиган бўлсак, оқ ранг қабила учун энг яхши ҳисобланади, сўнг монголоидларга хос ранг. Қора танлиларни эса камдан-кам вазиятларда хуш кўришади.

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

Лондонда Лейбористлар Ларзаси

Маълумки, яқинда Буюк Британияда бўлиб ўтган парламент сайловларида лейбористлар партияси ғалаба қозонди. Мамлакатда давом этган 18 йиллик ҳукмронликдан кейин консерваторлар лейбористлар (меҳнат партияси)га етакчилик ўрнини бўшатиб беришга мажбур бўлдилар. Кейинги юз йил ичида консерваторлар партияси илк бор қақшатқич зарбага учради. Парламентнинг умум палатасига консерваторлар 659 ўриндан бор-йўғи қарийб 160 ўрин олишган бўлишса, 419 ўринни эндиликда лейбористлар вакиллари эгаллашди. Ҳатто Жон Мейжор қўл остида ишлаган 6 нафар ҳукумат аъзолари ҳам янги парламентта сайланмай қолдилар. Бундай муваффақиятсизликни кутмаган Ж.Мейжор консерваторлар партияси раислигидан ҳам воз кечишини айтди.

Буюк Британия парламентчилик тарихига назар солсак, XIV асрдаёқ Англия парламенти юқори (лордлар) ва қуйи (умум вакиллари) палаталарга ажралади. Парламент учун кураш асосан икки партия — тори (консерваторлар) ва лейбористлар (меҳнат партияси) ўртасида боради. Умуман олганда, Англия парламентли монархия давлати ҳисобланиб, давлат бошлиғи сифатида расман қирол (қиролича) тан олинади. Ҳукуматни эса парламент сайловида кўп овоз олган партия раиси бошқаради.

Бу галги парламент сайлови лейбористлар партияси етакчиси 43 ёшли Энтони Блэрга омад келтирди. У Буюк Британиянинг XX асрдаги энг ёш Бош вазири бўлди. Дарвоқе, Даунинг стритнинг 10-уйдаги Бош вазир қароргоҳи сайлов бўлиб ўтган куннинг эртасигаёқ ўзининг янги соҳибларини қабул қилди.

Сайловдан кейин янги ҳукуматни шакллантириш ҳам бошланди. Ташқи ишлар вазири этиб Робин Кук тайинланди. Лейбористлар сайлов дастурида таъкидланганидек, ташқи сиёсатда кескин ўзгаришлар қилиш кўзда тутилмаган. Назаримизда, НАТОнинг шарққа томон силжиши масаласида ҳам Буюк Британиянинг муносабатида бирон-бир ўзгариш кутилмайди. Европа Иттифоқи доирасидаги бундан кейинги интеграция масаласига келсак, Буюк Британия жамоатчилиги Умумевропа валютасини жорий этилишига эҳтиёткорлик билан ёндашаётганлигига қарамай, шарҳловчиларнинг фикрига қараганда, янги ҳукуматдан Европа мамлакатлари билан ҳамкорликни чуқурлаштириш йўлида амалий саъй-ҳаракатларни кучайтиришга қаратилган тадбирларни кутиш мумкин. Дарвоқе, Германия канцлери Г. Коль ҳам шунга умид қилаётганини айтди.

Бинобарин, ички сиёсатда ҳам лейбористлар турли ислоҳотларни амалга оширишни режалаштиришган. Биринчи навбатда бу мамлакат соғлиқни сақлаш ва таълим тизимларига тегишлидир. Бу тизимларда аҳолининг кенг қатламлари учун нисбатан бўлсада енгилликлар яратиш кўзда тутилянти. Лейбористлар «ижтимоий адолат йўлида» давлатнинг иқтисодиётта аралашуви эҳтимоли борлигини ҳам айтишмоқда. Блэрнинг фикрича, ҳукумат ижтимоий шериклик сиёсатини олиб бориб ёлланма ишчилар билан ҳам, иш берувчилар билан ҳам оралиқ масофани бирдай сақлаши керак.

Бундан ташқари, Энтони Блэр сайлов қонунини қайта кўриб чиқиш тарафдори. Маълумки, Буюк Британияда бир турли можаритар сайлов тизими бўлиб, унга асосан кўп овоз олган номзод сайланган ҳисобланади. «Биринчи бўлиб сайланган» («the first past the post») тизими ўрнига кейинги пайтда Европанинг кўпгина давлатларида қўлланилаётган пропорционал сайлов тизими билан алмаштиришни янги Бош вазир нисбатан демократик тизим, деб ҳисобламоқда.

Албатта, бўлиб ўтган сайловда лейбористларнинг ғалаба қозонишида партия раҳбари Энтони Блэрнинг хизматлари беқиёсдир. Айнан у ўз партиясини 18 йиллик мухолифатдан кейин мамлакатда тан олиниб, етакчи партияга айланишига олиб келди.

Энди янги Бош вазир ҳақида гапирадиган бўлсак, Энтони Блэр Эдинбургдаги бой-бадавлат оилада туғилиб ўсган. Оксфорд университетини тугатган. Ҳатто Париж кафеларининг бирида ўн кун давомида официантлик ҳам қилган. Ўзининг бўлажак рафиқаси Шери Бут билан ўша пайтдаги ёш ҳуқуқшунос Энтони Лондондаги юридик палатада танишган. Уларнинг уч нафар фарзандлари бор.

1983 йилда парламент аъзоси бўлган Блэр 1994 йили лейбористлар партияси раиси лавозимини эгаллади. «Мен мухолифат партиясига қўшилиш учун эмас, балки лейбористларнинг ҳукуматни эгаллашлари учун бу партия аъзоси бўлдим», деганди ўшанда Э.Блэр. Дарҳақиқат, уч йил ўтар-ўтмас у ўз сўзининг устидан чиқди: Лондонни лейбористлар ларзага солди. Эндиликда у яна ваъда қилган Буюк Британия «янги тонгти» қандай бўлишини эса вақт кўрсатади.

Аслиддин БОЛИЕВ.

Ие, йўғе, наҳотки?!

ОҒУШИ ҚАЙНОҚ ЙИГИТ

Ўтган-кетганлар уни кўчада — 30 даража совуқда кўйлакчан юрганини кўриб ҳайрон бўлишади: нима бало ақлдан озганми?

Дарҳақиқат, Қозон гимназиясининг 9-синф ўқувчиси Борис Чевела донг таратиш ёҳуд бошқа бирор мақсадни кўзлаб қилаётгани йўқ бу ишни. Унинг ўзи шунақа туғма «исътедод». Фақат онасининг қийин-қистови билан кўйлагининг ичидан майка кияди. Гоҳида эса одоб юзасидан костюм кияди ва бунга зўрға чидаб юради.

Унинг совуққа бардошлилигини, танаси доимо қизиб юриши хусусияти сабабини ҳозирча ҳеч ким аниқлаганича йўқ. Ота-онаси мутахассисларга кўрсатишмоқчи эди, бола тушмагур оёқ тираб кўнмаяпти.

Ҳозирча фақат фараз қилиш мумкин. Борисдан бу хусусият қадим авлодларидан ўтган бўлиши мумкин, негаки, қарияларнинг айтиши бўйича, бобосининг отаси ҳам қишда доим кўйлакчан юрган экан. Бироқ нима бўлгандаям Бориснинг қишда кўйлакчан юрганини кўрган милиция унинг аҳволини тушунмади: кўча безори дея бир-икки марта ҳибсга олишиб, тергов ҳам қилишди.

САНЪАТГА ШАЙДОЛИК БОҚИЙДИР

XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан

Асл санъат асарлари катта истеъдод ва жасорат эвазига дунёга келади. Уларнинг қадри йиллар баробарида ўсиб, ортиб бораверади. Томошабиннинг ҳамиша яхши фильм кўргиси келади. Шу маънода биз XII Халқаро Тошкент кинофестивалини соғинч билан кутмоқдамиз.

Тошкент киноанжумани 1968 йилдан бери ўтган салкам ўттиз йилдан буён мингдан ортиқ бадиий, ҳужжатли, мусиқали фильмларни мухлислар ҳукмига ҳавола этди. Тошкент кинокўриги дунёдаги машҳур Канн, Венеция, Токио, Берлин, Карлово-Вари, Деҳли, Теҳрон, Аввелино, Санремо, Локарно, Дамашқ, Москва каби киноанжуманлар қаторидан муносиб ўрин олган.

Киномухлислар машҳур киноюлдузларни шу анжуманларда кашф қилганлар. Ҳиндистонлик Раж Капур, Шаши ва Шиши Капурлар, Ражендра Кумар, Фотима Рашида, Амитаби Баччан, Митхун Чакроборти, Иринал Сен, Японияндан Масаки Кобояси, Конето Синда, Накадзимо Садао, Камаки Курихара, Мисрдан — Салах Абу Сейс, Юсуф Шахин, Хусайн Камол, Лотин Америкасидан — Нелсон Перейра дос Сантос, Мария Рохо, Туркиядан — Туркон Шарай, Бангладешдан Сухайл Бен Барки, Бабита, Австралиядан — Ясмин Хлат, Оливер Рид, Жеральд Босток каби ажойиб санъаткорларга илк бор Тошкент кинофестивалларида меҳр қўйганмиз.

Албатта, кинофестивалнинг ҳар бир кунини мақсадга мувофиқ қилиб ташкил этиш ўта муҳим. Томошабинлар шаҳар киноэкранларида намойиш этиладиган асарларнинг номини, қачон ва қаерда бўлиши ҳақида қисқача маълумотга эга бўлишлари керак.

Илгари бадиий ва ҳужжатли фильмлар билан бирга болалар ва ўсмирлар учун ҳам асарлар тақдим этиларди, лекин ниҳоятда кам эди. Кинофестиваллар танлови бўла бошлангач, кенжа авлод учун ҳам фильмлар қўйиладиган бўлди. Бу йилги XII Тошкент киноанжуманида ўсмирлар ҳаёти, уларнинг илк инсоний туйғулари, ташвиш-ўйлари ҳақидаги ўзбек кинорежиссёри Қамара Камолованинг «Атроф оппоқ қорга бурканди» фильмини кўрикка тақдим этиш режалаштирилмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, кўпгина киноанжуманлар совриндори Қамара Камолова ижоди ҳақида тўхталмоқчимиз.

Унинг илк қўғирчоқ фильмлари — «Ажойиб саргузаштлар», «Булутни ким яратган», «Раҳим ва қўнғиз», «Шумтака» каби асарлар эди. «Аччиқ данак» фильми 1988 йилда Москва фестивалининг махсус совринига, сўнг Қоҳира киноанжуманининг «Кумуш Нефертити» совринига сазовор бўлган. «Атроф оппоқ қорга бурканди» асари ҳам 1995 йилда яратилганига қарамай, Париж, Деҳли, Теҳрон киноанжуманлари совринларини олди. Фильм «Шод» — болалар ва ўсмирлар учун фильмлар ишлаб чиқариш бирлашмасида суратга олинган. Бош ролни тошкентлик ўқувчи Раъно Шодиева ижро этган. Сайдулло Молдахонов, Жавлон Ҳамроевлар ҳам ўзига хос образлар яратиб, томошабин қалбини забт этишга ҳисса қўшганлар. Ижодий гуруҳ қардош қирғизистонлик Хасан Ҳидиралиев, Бахт Тактожиев, Талгат Асранқулов, Гавҳар Содиқовалардан иборатдир.

Халқимиз дидига муносиб бадиий етук кино асарлар яратишга жазм қилишнинг ўзи бир жасорат. Шу маънода фидойи ва заҳматкаш киноижодкорларимиз меҳнатини ҳар қанча тақдирласак арзийди.

Ҳабибулло АБДУЛМАЖИД,
журналист.

SPORT

СОВРИНДОРЛАР

Тошкентда ўтказилган «Ҳавас» теннис турнири якунланди. Ҳал қилувчи учрашув Наманган вилоят ҳокими Т.Жабборов билан республика соғлиқни сақлаш вазири Ш.Каримов ўртасида давом этди. Бу сафар вазирнинг қўли баланд келди. Шундай қилиб, бош соврин Ш.Каримовга, иккинчи ўрин Т. Жабборовга, учинчи ўрин эса республика Бош вазири ўринбосари М. Усмоновга насиб этди. «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталарининг «Оқсоқол ўйинчига» соврини М.Усмоновга, «Осиё бозори» газетасининг «Энг дароз ўйинчига» соврини Яккасарой тумани ҳокими А. Мирқосимовга тақдим этилди.

МУҲИМ ҒАЛАБА

МҲСК футболчилари Қуролли кучлар жаҳон чемпионати саралаш учрашувини Корея ўйинчилари билан ўтказиб (3:1, 0:1), финалга чиқдилар. Мамлакат бош терма жамоаси эса жаҳон чемпионати дастлабки саралаш учрашувини Яманда ўтказиб (1:0) муҳим ғалабага эришди. Футболчиларимиз энди 25 май куни Камбоджа жамоасини қабул қиладилар.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 13-may, seshanba № 55 (22.139).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азиз НОСИРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Аслиддин БОЛИЕВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари),
Виктор ЗВЕРЕВ
(бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»),
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Китоб — содиқ дўст

ЛАТИФА ТЎҚИЛМАЙДИ

Инсон ибтидоси жуда узун тарихга эга. Кўп нарсани тасаввур қилиб кўраман. Лекин одамзотнинг саводсиз бўлган даврини сира ақлимга сиғдиролмайман. Биз китобларга шу қадар ўрганиб, суяниб қолганмизки, гўё уларсиз ҳаёт кечириш мутлақо мумкин эмасдек туюлади.

Назаримда, китоблар кашф қилинмайди. Улар ой-куни келиб туғиладиган табиий жараёнлардир. Китоблар бироз ўхшаш бўлиши мумкин, лекин улар бир-бирларини ҳеч қачон айнан такрорламайди.

Яқинда ёзувчи Шодмон Отабекнинг босмадан чиққан «Тўқилмаган латифалар ёҳуд Дўрмон ҳангомалари» деб номланган янги китоби қўлимга тушиб қолди. Салкам икки ойдан буён уни ёнимда олиб юрибман, бўш қолдим дегунча варақлашга тутинаман. Бу китоб 160 га яқин жажжи-жажжи, лекин жуда яхлит ва пишиқ ҳикоялардан таркиб топган. Қаҳрамонлари эса 200 дан ортиқ, қолаверса, ҳаммаси бош қаҳрамонлар. Бирорта ҳам йўловчи образни учратмайсиз. Аксинча, уларнинг бари эл назарига тушган таниқли олим ва ёзувчи, шоир ва санъаткорлардир. Муаллиф ҳатто исми шарифларини ҳам ўзгартирмаган.

Китобдаги ҳангомаларни бефарқлик билан ўқиш ва айрим латифалар сингари тезда эсдан чиқариб қўйиш мумкин эмас. Беихтиёр қаҳрамонларнинг сурати ва сийрати кўз олдингизда намоён бўлади. Китобдаги Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповдек машҳур адибларимизнинг ҳаёти билан боғлиқ ҳодисалар сизу бизни мулоҳаза қилишга ундайди. Маҳкам Маҳмудов, Азиз Абдуразоқ, Рауф Парфи, Мирпўлат Мирзолар иштирокидаги ҳангомалар ҳам ниҳоятда қизиқ.

Машҳур кишилар ҳаётига ҳамма қизиқади. Шу боисдан ҳам улар тўғрисида миш-мишлар кўп. Шодмон Отабекнинг ушбу китобидаги латифаларнинг эса барчаси бор гаплар. Қанийди, ҳар бир соҳа совриндорларига бағишланган шундай тўпламлар кўпроқ чоп этилса, миш-мишларнинг сараги-саракка, пучаги — пучакка тезроқ ажралармиди?..

Қуйидаги ҳангомага бир эътибор беринг-а:

Таниқли болалар шоири Анвар Обиджон янги чиққан китобига шундай дастхат ёзади: «Болаларнинг биринчи номерли шоири Ҳамза Имомбердиевга ижодий ютуқлар тилаб...»

Шогирд бундай дастхатдан ҳам ғурурланиб: ҳам ҳайратланиб ботиниб-ботинмай аста сўрайди:

— Устоз, мен биринчи номерли шоир бўлсам, унда сиз нечанчисиз?

Устоз пинак бузмай, дарҳол жавоб қилади:

— Буюкларнинг номери бўлмайди.

Тўпламни бошидан охиригача табассум билан ўқийсиз ва «Намунча гапга чечан бўлмаса, бу барака топгурлар!» деган фикр кўнглингизнинг бир четини сира тарк этмайди.

Йиллар ўтиши билан ёзувчи ва шоирларимиз ҳаёти, ижоди билан боғлиқ далилларнинг кўпи унутилиб кетади. Лекин бу ҳангомалар ёдда қолади. Шу маънода Шодмон Отабекнинг ушбу тўпламдаги латифалари ҳам оғзидан оғизга ўтиб авлодлардан авлодларга мерос бўлиб қолса ҳам ажаб эмас. Фақат — «Тўқилмаган латифалар ёҳуд Дўрмон ҳангомалари»нинг тарихий қимматини биз эмас, келгуси авлодлар белгилайди.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА.

1

Инсон хотираси азиз

ОТА ЎҒЛИ

Журналистика касбининг ўзига хос роҳат-фароғати-ю, азобуқубатлари бор. Айниқса, ёш журналистлар таҳририят даргоҳига ишга келгач, ё очилиб, ижод майдонига шўнғиб кетади, ё қийинчиликларга бардош беролмай майдондан чиқиб кетади. Ўз таланти, қобилиятини ишга сололган, газета меҳригиёсини тотиб кўрган журналист бу даргоҳдан ҳеч қаерга кетмайди, охирига қадар ўз касбига содиқ қолади. Мен қаламга олаётган матбуот жонкуяри, серқирра журналистлардан бири Анвар Эшоновдир. Агар ҳаёт бўлганда, ҳозир у олтмиш ёшга кирган бўларди,

Анвар Эшоновнинг газетага келиб қолишига унинг меҳрибон отаси сабаб бўлган.

«Ўзбекистон овози» («Совет Ўзбекистони») да ишлаган кезларимда кунлардан бир кун ҳузуримга қадрдон отахоним, устозим Отабой Эшонов кириб келдилар. Аслида мен ул зотнинг қўлларида таҳсил кўрганман, ҳуқуқ фанлари доктори, академик, қадимги Бухоронинг давлат ва ҳуқуқ тарихи бўйича кўп ибратли, илмий асарлар битган алломаи замон эдилар.

— Бир илтимос билан келдим, — деб қолдилар. Ҳайрон бўлдим, устоз ўз шогирдига илтимос билан келса деб. Чунки, Отабой ака бирор кишига бўй эгиб илтимос билан бирор нарса сўраб борган одам эмас. Ўрнимдан туриб, устозга пешвоз чиқаман.

— Ўғлим Анвар ҳақида келдим. Яқинда тасодифан ёзган шеърларини ўқиб қолдим. Мушоҳадалари зўр. «Қўнғиз боласини оппоғим» деркан, деб ўйлама. Мен ота сифатида эмас, сенга бир ўқувчи сифатида келдим. Унинг фикрлашини, битган нарсаларини ўқигандан сўнг сизларда ишласа бўларкан, деб ўзимча ўйладим. Шундай қилиб Анвар Эшонов газетамизга адабий ходим қилиб ишга олинди.

Устоз янгилишмаган эканлар, биз ҳам. Шундан кейин Анварнинг қулфи дили очилиб, худди сувга қўйиб юборилган балиқдек яйраб кетди. Журналистика оламига кириб, унинг эҳтиросли мақола, фельетонлари, очерклари кетма-кет газеталарда чиқа бошлади. Лирик, фалсафий шеърлари, ҳикоялари бошқа газета-журналларда чоп этилди. Шеърлари ҳатто қўшиқ бўлиб кетди.

Анвар дилбар йигит, бунинг устига ғоят камсуқум, камтарин инсон эди. Қанча ибратли, ҳайратомуз ишлар қилардию, индамай юраверарди. Мақтанишни билмасди, гапирсангиз кулиб турраверарди. Жамоада, адиблар ўртасида катта ҳурмат-эътиборли, дўстлари даврасида бўлса барчани оғзига қаратиб, қизиқ ҳангомалар, латифалар айтишга устаси фаранг эди, десак ҳақ гапни айтган бўламиз.

Шу боис ҳамкасб дўстлари унинг суҳбатини излашарди. Анварнинг ўзига ярашадиган қизиқ бир одатлари бор эди. Газета редакциясидаги журналистларнинг, ёзувчи дўстларининг юриш-туриши, сўзлаши, феъл-атворини худди ўзига ўхшатиб тақлид қилишдек ажойиб хусусияти бор эди. Бирор жойда йиғилишиб қолсак, тўй ёки туғилган кундаги ўтиришда «Анвар фалончи бўлиб берсин», деб илтимос қилиб қолишарди. Фақат журналистларнигина эмас, катта адиблар, ҳатто Ғафур Ғулом ҳам унинг тақлидига тушгани ёдимда. Баъзан тақлид қилинган адибларнинг ўзлари ҳам Анвар ижросида ўз сиймоларини кўришни илтимос қилганлар.

Газетамизда Анвар Эшоновнинг «Қовоқ ари» сарлавҳали фельетони босилиб чиққан. Шу туфайли Анвар кўп озор чеккан. Уни ҳатто Марказқўмга чақириб, ёзма изоҳнома ёздириб олишган. У вақтда журналистлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳақида бирорта қонун йўқ эди, собиқ Иттифоқдаги баъзи бир қонун-қоидаларга амал қилинар эди, холос. Аммо газета жамоатчилиги севимли журналист ва шоирни қаттиқ туриб ҳимоя қилганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Анвар Эшонов Фарғона вилоятида газетанинг махсус мухбири этиб тайинланганда унинг авжи куч-қувватга тўлган, ижодий камолот ёшида эди. Эҳтиросли, ҳаётий очерклар, лавҳалар, жанговар танқидий мақолалар кетма-кет отахон газетамиз саҳифаларидан эътиборли ўрин олганлиги ёдимда. Анвар ўша ерда ҳам тинч турмади, ҳаётнинг ташвишлари, икир-чикирлари оташқалб журналистни тинч қўя олмас эди. Йиллар ўтиб, мана энди ҳамма нарса аниқ, равшанлашгач, Анваргa ўхшаган фикр доираси кенг, маҳсулдор, миллий ғурури, ифтихори чексиз журналистларга эҳтиёж туғилмоқда. Мен «Ибн Сино» романи устида ишлаган кезларимда жаҳоншумул ҳаким ва машҳур файласуфнинг машҳур бир рубоийсини қайтадан таржима этишга тўғри келди. Шунда унинг бир неча шаклнусхаларини (вариантлари) шоирлар билан биргалашиб, кўриб чиқишга тўғри келган. Бир куни «Меҳригиёҳ» газетасига Анвар Эшонов бир туркум шеърларни кўтариб келиб қолди. Анвар бизнинг муҳокамамизни тинглаб ўтирди-да, кейин: «Мен ҳам бир уриниб кўрай» деб қолди. Бир неча кундан кейин ўша рубоийни иккиуч нусхада таржима қилиб келган. «Мен ким дунёни кўрдим ва олам аҳволига назар ташладим, унда ҳайронликда кафтини иягига тираб, пушаймонлик билан бармоғини тишлаб турганлиги сезилиб турарди. Нима қилса ҳам отасининг боласида! Ақли отасиники, лекин унинг йўли, фикрининг йўналиши бошқача. Отабой Эшонов ҳуқуқ фанлари соҳасида тенги йўқ олим эди. Тарих, адабиётни ҳам яхши биларди. Анвар бўлса, назмда агар ҳаёт бўлганда келажакда ота ўрнини боса олса ажаб эмасди...

Анвар Эшонов «Ўзбекистон овози» газетасининг катта мактабини ўтаган истеъдодли журналист, ширинсухан шоир, катта Инсон, Ота ўғли эди...

Афсус, минг афсуслар бўлсинки, азиз укамиз, қадрдонимиз ижоди гуллаб, камолотга етган чоғида ёруғ оламдан кўз юмди... Уни эсдан чиқармайлик, руҳини шод этайлик азизлар...

Мақсуд ҚОРИЕВ.

Андалиб ашки гулга субҳи содиқда тушгай,
Ашк аро хажр бир ён, соғинч бир ён рангдамиш,
Муҳаббат шаби ҳижрон каби гирён рангдамиш.

Балли, юракдан битибсан. Қалбдан чиққан садолар бу! Дарди бўлмаса, шунчалик ёзармиди? Фақат Анварнинг ўзигагина хос ўйноқи, ҳам фалсафий мисралар, Фалсафани азиз падарибузруквори Отабой акадан ўрганган. Отабой ака ҳам устоз, ҳам ота эди унга. Шеърий сатрлар бўлса ўзиники. Бутун назм мулкидаги дуру жавоҳирларни ўқиб, фикрига жойлаб, шоирнинг кенг ижод майдонига чиққанлиги сезилиб турарди. Нима қилса ҳам отасининг боласида! Ақли отасиники, лекин унинг йўли, фикрининг йўналиши бошқача. Отабой Эшонов ҳуқуқ фанлари соҳасида тенги йўқ олим эди. Тарих, адабиётни ҳам яхши биларди. Анвар бўлса, назмда агар ҳаёт бўлганда келажакда ота ўрнини боса олса ажаб эмасди...

Анвар Эшонов «Ўзбекистон овози» газетасининг катта мактабини ўтаган истеъдодли журналист, ширинсухан шоир, катта Инсон, Ота ўғли эди...

Афсус, минг афсуслар бўлсинки, азиз укамиз, қадрдонимиз ижоди гуллаб, камолотга етган чоғида ёруғ оламдан кўз юмди... Уни эсдан чиқармайлик, руҳини шод этайлик азизлар...

Мақсуд ҚОРИЕВ.

2

YILOYKUN

Yangiliklar, voqealar, xabarlar

QULAY OYNA SAQLAGICH

FARG`ONA. Marg`ilon yog`ochsozlik korxonasi qoshidagi "Marg`ilon - Do`stlik" qo`shma korxonasi duradgorlari Quvasoyda ishlab chiqarilayotgan oynalarni manzilga yetkazib berishga imkon beradigan konteynerlar tayyorlashga kirishdi. Ilgari bunday konteynerlar chetdan olib kelinardi.

Lobar RAHIMJONOVA.

Tikani bo`lsa-da, bari-bir atirgul go`zal. Turg`unbek MAHKAMOV olgan surat.

HAMISHA GAVJUM

ANDIJON O`sh yo`lidagi To`raobod qishlog`ida "Ibrohimota" savdo-ishlab chiqarish firmasining tikuv sexi qurilmoqda. Firmada 20 nafarga yaqin chevar mehnat qilmoqda. Bu yerda tikuvchilik, tegirmon, sartaroshxona, mashina va poyabzal ustaxonalari va uchta magazin hamisha odamlar bilan gavjum.

Mirvosil MIRAFZALOV.

«ОМА» фирмаси (Белорус)

махсус кийим-кечаклар ишлаб чиқариш учун ип газламалар **сотиб олади**

Белорус ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларига мавоза ҳам мумкин.

Минсклаги тел.: (017) 2445564, 2443701, 2443141.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тиббий экспертизасининг бош бюроси жамоаси Жиззах вилояти Зомин тумани суд-тиббий экспертиза бўлинмасининг собиқ мудири, меҳнат фахрийси

Акбарали ҲАЙДАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат II Тиббиёт институти ректорати, жамоатчилик ташкилотлари институтнинг маънавият ва маърифат масалалари бўйича проректори, фалсафа ва мантиқ кафедраси мудири, профессор О.М.Обиловга ҳамда тиллар кафедраси катта ўқитувчиси С.С. Шукуровага падари бузрукворлари

Болишукур СОНОҚУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Қатталқўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир А. РЎЗИЕВ, навбатчи Ҳ. АБДУЛЛАЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0282

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА